

Товарнинг ҳужжатини гаров сифатида ушлаб туриш



14:00 / 12.08.2019 1902

Ушбу гаров турида сотувчи товарнинг ўзини бўлмаса-да, унинг эгадорлик ҳужжатларини гаровда ушлаб турса бўлади. Бу ҳолда ҳужжатларни гаровда ушлаш билан гаров комил бўлади. Сўнгра гаров қилинадиган товар харидорнинг ўзида орият бўлиб қолади.

Агар ушбу савдони тақсит савдоси десак, мулкни харидорга мутлақ ўтказиб бермаслик билан тақсит савдосининг шартларидан бўлган мулк қилиб бериш йўққа чиқади. Шу билан бирга, харидор товарнинг аксар қисмини тўлаб бўлганидан сўнг сотувчи шартномани бузиб, товарни қайтиб олиши ҳам тўғри эмас. Ушбу ҳолатда харидор охириги қолган бўлақларни тўлай олмаса, қўлидаги мулкни сотиб, қолган бўлақларни тўлаши таклифи тўғрироқ бўлади. Бунда сотувчи харидорнинг қўл остидаги мулкни сотишига монеълик қилмаслиги шарт.

Бу кўринишда, агар тарафлар олдиндан келишиб олмаган бўлса, «Тушир, тезлат» қоидаси жоиздир. Мазкур қоида насиё сабабли қўйилган устамани тушириб, қарзни тезлаб тўлашни жорий қилади. Агар сотувчи харидор тўлай олмаётган бўлақларни «Тушир, тезлат» қоидасига кўра оладиган бўлса, ўша бўлақлардаги фойда миқдорини чиқариб ташлаши керак.

Биздаги жараёнларга кўра, мулкнинг ҳужжатларини харидорга расмий равишда ўтказиб бера олмаса ҳам, сотувчи ушбу мулкнинг харидорга ўтганлиги тўғрисида гувоҳлар олдида васиқа ёзиб бериши, лозим бўлиб қолганда харидорнинг ушбу мулкни сотишига тўсқинлик қилмаслиги лозимдир. Лекин харидор гаров ва кафолат сифатида олган машинасини қўйган бўлса, энди у токи ҳақини ўтаб бўлмагунича, гаров ёки кафолат сифатида қўйган нарсасини сотиб юбора олмайди.

Тақсит савдосида сотувчи харидордан йигирма фоиздан кам бўлмаган маблағни олдиндан олиши жоизлигини юқорида айтиб ўтдик. Шунга кўра сотувчи харидорга мулкни учинчи шахсдан олиб берар экан, дастлаб ўшани ўзига мулк қилиши, сўнгра харидорга сотиши, харидор имконият қилиб берган маблағ эса олдиндан олинган маблағ деб ҳисобланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Тақсит савдоси учун қуйидаги шаклда битим тузиш мумкин. Ушбу битим томонлар келишувига кўра, албатта тақсит савдосига мувофиқ тарзда ўзгартирилиши ҳам жоиздир.

«Бозор ва унга боғлиқ масалалар» китобидан